1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 43—44
(2580—2581)
1993 ЙИЛ
4 ИЮНЬ
ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## Икки жума оралиғида

### ОНАСИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳар деҳқон бозори олдидан ободонлаштириш ташкилоти фарроши, 1963 йилда туғилган С.Н. 15-20 кунлик чақалоқ қизни топиб олди. Чақалоқнинг аҳволи қониқарли. Унинг онаси қидирилмоқда.

### ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚАЛБАКИ ПУЛ

Навоий шаҳар ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни ўтказишди. Унда Навоий кон-металлургия комбинати ишчиси, 1969 йилда туғилган И.Я. ҳамда 6-ҳунар-техника билим юрти талабаси, 1975 йилда туғилган А.К.лардан иборат қалбаки пул тайёрловчилар гуруҳи аниқланиб, қўлга олинди.

Маълум бўлишича, бу гуруҳ аъзолари ВС серияли 8054915 рақамли 1000 сўмлик қалбаки пул ясаганлар.

Тинтув ўтказилганда улардан бир дона бўялмаган 1000 сўмлик пул нусхаси ҳамда тўққиз хил рангли "Живопись" бўёғи топилди. Мана шундай қўлбола 1000 сўмлик пуллар Навоий жамғарма банки ҳамда хусусий дўкондан топилди. Қолган қалбаки пулларни топиш чора-тадбирлари кўриляпти.

### ҚОТИЛ КУЁВ

Урганч туманидаги Хонқа кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1956 йилда туғилган А.Н. ўзаро жанжал туфайли қайнотаси, 1937 йилда туғилган Х.Т.ни болта билан чопиб ўлдирди. Қотил ушланди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

### КАНАЛДАГИ ЖАСАД

Қуйи Чирчиқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги омборхонаси олдидан ўтадиган каналдан 40-50 ёшдаги номаълум эркакнинг сим билан бўғиб ўлдирилган жасади топилди. Мурданинг шахси ва қотил аниқланмоқда.

### ПАЛИДЛАР УШЛАНДИ

Охунбобоев тумани ички ишлар бўлимига Марғилон шаҳрида истиқомат қиладиган, 1979 йилда туғилган М.М. ариза билан мурожаат қилди. Унинг айтишича, кечқурун уч номаълум шахс уни Эшонгузар қишлоғига олиб бориб, зўрлаб, номусига тегишган.

Ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли палидлар ушланди. Энди улар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

### УЙНИ ТУНАШДИ

Самарқанд шаҳридаги 1-касалхона шифокори, 1943 йилда туғилган О.Д. истиқомат қиладиган уй эшигини номаълум шахслар бузиб кириб, унинг 1300 АҚШ доллари, "Акай" видеомагнитофони, 3 хил аёллар тақинчоғи ҳамда саксон минг сўм пулини ўмариб кетишди. Ўғрилар изланаяпти.

**Т. МУРОДОВ.**

## Ишчи гуруҳининг йиғилиши

Адлия вазирлигида таниқли ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби, академик Хадича Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигини ўтказиш комиссияси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика ИИВ, Прокуратураси, Олий судидан вакиллар иштирок этиб, юбилей тантаналарининг айрим ташкилий масалаларини келишиб, маслаҳатлашиб олдилар.

Юбилей тантаналарини олиманинг туғилган юрти — Андижонда бошлашга келишилди. Шундан сўнг бу сана бутун республикада нишонланади.

**И.САИДОВ.**

## Қилмиш-қидирмиш

ШУ ЙИЛНИНГ 4 январь куни Олмалиқ шаҳрининг фуқароси, 1975 йилда туғилган Улуғбек Аминов Ленин кўчасида давлат рақами П 42-33 ТШ бўлган ВАЗ-21063 белгили машинани тўхтатиб, унинг ҳайдовчиси Г. Ушаковдан Чернишевский номли кўчага олиб бориб қўйишни илтимос қилди.

Машина эгаси ҳеч нарсани ўйламасдан Улуғбекнинг илтимосига кўна қолди.

Чернишевский кўчасидаги 12-мактабнинг шундоқ ёнида Улуғбекнинг мақсади бузилди ва ёнидан тўппонча чиқариб ҳайдовчига дўқ қила кетди.

Қўрқиб кетган машина эгаси икки қўллаб ўз уловини босқинчига топширди-қўйди. Бир неча дақиқадан сўнг ўз инсонийлик қиёфасини йўқотган Улуғбек Аминов қўлга киритган ўлжаси билан бу ердан ғойиб бўлди.

Шундан сўнг тунда машинанинг барча қисмларини бўлак-бўлакларга бўлди ва уларни пуллаб юборди.

Шаҳар ИИБ ходимларининг тезкор гуруҳи тергов-оператив тадбирлари натижасида босқинчининг шахси аниқланди ва у ҳибсга олинди. Ундан тўппонча ҳам топилди.

Савол-жавоблар давомида жиноятчи ўз ҳаракатларига тўла-тўкис иқрор бўлди. Одил суд ҳайъати уни 7 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Шуни айтадиларда "Қилмиш-қидирмиш" деб.

**Ҳабиб ШУКУР.**



**Суратда:** шаҳар ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Шавкат Икромов (чапда) ва терговчи, милиция лейтенанти Игорь Цой босқинчининг қуролини кўздан кечираяптилар.

**Муаллиф олган сурат.**

## ТЕРГОВЧИЛИК МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ

ҲОЗИРГИ пайтда ички ишлар идоралари терговчиларига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Мажмуасидаги қарийб 100 та моддада кўзда тутилган жиноятлар ва балоғат ёшига етмаганлар томонидан содир қилинган ҳар қандай жиноятни тергов қилиш вазифаси юкланган. Терговчиларимиз бу вазифани бажаришга бутун кучини, билимини, вақтини аямай сарфлашмоқда.

Терговчиларимиз ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, унинг содир бўлиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўрмоқдалар, тегишли идораларга бу борада тавсияномалар киритмоқдалар.

Ходимларимиз сиёсий мустақилликни ҳақиқий, иқтисодий мустақилликкача кўтаришнинг ўзи бўлмаслигини, бунинг учун қаттиқ меҳнат қилиш, жиноятчиликнинг томирига болта уриш кераклигини жуда яхши тушунадилар, шунинг учун ҳам терговни пухта, сифатли ўтказишга ҳаракат қиляптилар.

Жиноятчиликка қарши курашда тергов органлари алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам терговчилик вазифасига фақатгина олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланади. Бундан ташқари терговчининг дунёқараши жуда кенг бўлиши керак, чунки жиноятчи тергов қилинаётганда халқ хўжалигининг, фаннинг ҳар хил соҳалари бўйича ҳам билим асқотиб қолиши мумкин.

Иккинчи томондан терговчи жуда ҳам тоза, соф виждонли, инсонпарвар бўлиши шарт, шу хислатларга эга бўлмаса кўп вақт ишлай олмайди.

Албатта, терговчининг иши кўп қиррали иш, шунинг учун муаммолар ҳам етарли, айниқса ҳозирги иқтисодий танглик вақтида. Аммо шу қийинчиликларга қарамай вилоятимиз ички ишлар идоралари терговчилари йилдан-йилга тергов сифатини ошириб, тергов муддатини камайтиришга, жиноятчилар томонидан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплашга эришмоқдалар. Биргина 1992 йилда жиноятчилар томонидан етказилган 3147489 сўмлик моддий зарарнинг 2151101 сўмини, ёки қарийб 70 фоизини тергов даврида қоплашга эришдилар.

Вилоятимиз ички ишлар идоралари тергов бўлинма, гуруҳларида кўплаб ўз ишининг усталари ишлашади.

1992 йилнинг ўзида 34 та терговчимиз яхши ишлаганликлари, жиноятчиликка қарши курашда фаол қатнашганлиги, кўп эпизодли, катта-катта жиноятчи гуруҳлар устидан қўзғатилган жиноий ишларни сифатли тергов қилганликлари учун республика ички ишлар вазири, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи томонидан тақдирландилар.

**К. БОБОҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг тергов ишлари бўйича муовини, милиция подполковниги.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:***

***Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига, хусусан:***

***1. 1959 йил 21 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, №6, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:***

1. 13-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"13-модда. Зарурий мудофаа**

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахсияти, манфаатларини ёки ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовуз этувчига зарар етказган ҳолда содир этилган хатти-ҳаракат жиноят ҳисобланмайди.

Тажовузнинг характери ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмаган мудофаани зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб танилади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат этиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутилиш имконияти бор-йўқ эканлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир.

Тажовуз қилингандан сўнг жабрланувчи ва бошқа шахслар томонидан жиноятчини ушлаш ва уни тегишли ҳокимият органига топшириш мақсадида қилинган ҳаракат, агарда, бундай ҳаракат жиноятчини ушлаш учун зарур бўлса ҳамда тажовузнинг хавфлилик даражасига, жиноятчини ушлаш шароитига мувофиқ равишда қилинган бўлса бундай ҳаракат қонуний ҳисобланади ва зарурий мудофаа деб танилади".

2. Кодекс қуйидаги мазмундаги 171-модда билан тўлдирилсин:

**"$171^1$-модда. Уюшган гуруҳ**

Битта ёки бир нечта жиноят қилиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахснинг барқарор йўсиндаги бирлашуви уюшган гуруҳ деб эътироф этилади.

Уюшган гуруҳни тузган ёки унга раҳбарлик қилган шахс гуруҳ содир этган барча жиноятлар учун, башарти бу жиноятлар унинг ёмон нияти билан йўғрилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади".

**3. 23-моддада:**

биринчи ва иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан то ўн йилгача бўлган муддатга, жуда оғир оқибатларга олиб келган алоҳида хавфли оғир жиноятлар учун ёки алоҳида рецидивистлар ёхуд уюшган гуруҳлар аъзолари содир этган алоҳида оғир жиноятлар учун, ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган ҳолларда, ўн беш йилгача бўлган муддатга белгиланади. Алоҳида оғир жиноят содир этган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга озодликдан маҳрум қилиш ўн икки йилгача бўлган муддатга белгиланади. Ўлим жазоси беришни авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришда озодликдан маҳрум қилиш йигирма беш йил муддатга белгиланади.

Ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек қуйидаги ҳолларда белгиланиши мумкин:

1) ушбу Кодекснинг 40-моддасида назарда тутилган ҳолларда жазо чораларини жамлашда — йигирма йилгача, ўн саккиз ёшга тўлмаган чоғида жиноят содир этган шахсга ўн икки йилгача;

2) ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган ҳолларда жазо чораларини жамлашда — йигирма беш йилгача, ўн саккиз ёшга тўлмаган чоғида жиноят содир этган шахсга эса ўн беш йилгача белгиланади;

тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисида:

"Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлашларга доир чораларни муттасил қабул қилмаслик" ($114^2$-модда); давлат, кооператив ёки жамоат мол-мулкига товламачилик қилиш ($115^1$-модда, биринчи қисм); ўзлаштириш ёхуд растрата қилишга йўл қўйиш йўли билан ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ёки жамоат мол-мулкини айбни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз талон-торож қилиш (117-модда, биринчи қисм ва 118-модда, биринчи қисм)" деган сўзлар чиқариб ташлансин; "давлат ёки жамоат мол-мулкини фирибгарлик йўли билан айбни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз талон-торож қилиш (119-модда, биринчи қисм); ўзлаштириш ёки растрата қилиш (130-модда)" деган сўзлар "мол-мулкка товламачилик қилиш (128-модда, биринчи қисм), ўзганинг мол-мулкини ўзлаштириб олиш ёки

(Давоми 2, 3, 4, 5, 6- бетларда).

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1, 2-бетларда).**

жазоланади.

Такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб туриб қилинган фирибгарлик –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай тўрт йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоланади.

Кўп миқдорда содир этилган фирибгарлик –

мол-мулкини мусодара қилиб беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жуда ҳам кўп миқдордаги ёки алоҳида хавфли рецидивист ёҳуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилган фирибгарлик –

мол-мулкини мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**130-модда. Ўзганинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш ёҳуд хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш йўли билан ўғирлаш**

Айбдорга ишониб топширилган ўзганинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш ёҳуд хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш йўли билан ўғирлаш –

беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади

Такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб туриб содир этилган шундай хатти-ҳаракатлар –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай тўрт йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, кўп миқдорда содир этилган шундай хатти-ҳаракатлар –

мол-мулкини мусодара қилиб етти йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар жуда ҳам кўп миқдорда ёки алоҳида хавфли рецидивист ёҳуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилган тақдирда –

мол-мулкини мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

17. Кодекс қуйидаги мазмундаги $130^1$-модда билан тўлдирилсин:

**"$130^1$-модда. Майда ўғирлик**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг мол-мулкини оз миқдорда ўғирлаш, башарти илгари шундай хатти-ҳаракати учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса –

бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасигача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Шундай хатти-ҳаракатлар, башарти илгари майда ўғирлик учун судланган шахс томонидан содир этилган бўлса –

икки йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки худди шу муддатга ахлоқ тузатиш иши ёҳуд энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасигача миқдорда жарима солиш билан жазоланади".

18. 131, 132, 133-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"131-модда. Топиб олинган мулкни яшириб қолиш**

Топиб олинган ёки айбдорга тасодифан ўтиб қолган қимматли мулкни яшириб қолиш –

олти ойгача муддатга аҳлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

**132-модда. Жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни олиш ёки сотиш**

Жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни била туриб олдиндан ваъда қилмай олиш –

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

Худди шу хатти-ҳаракатларни сотиш мақсадида қилиш, шунингдек бундай мол-мулкни сотиш –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган, такроран ёки кўп миқдорда ёҳуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар –

мол-мулкини мусодара қилиб етти йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**133-модда. Мол-мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

Мол-мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш –

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки олти ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

Миллатлараро адоват ёки диний хурофотлар негизида ёҳуд хавфли усулда содир этилган ёки одам ўлишига ёҳуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган шундай хатти-ҳаракатлар –

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

19. 149-модданинг иккинчи қисмидаги "оғир оқибатлар" деган сўзлардан кейин "ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

20. 150-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқари чиқиш зўрлик, қурол ишлатиш, жабрланувчини азоблайдиган ва шахсий қадр-қимматини ҳақоратлайдиган хатти-ҳаракатларларда намоён бўлса ёхуд уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб содир этилса –

уч йилдан саккиз йилгача муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

21. 152, 153, 154-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"152-модда. Пора олиш**

Мансабдор шахснинг ҳар қандай турда шахсан ёки воситачи орқали пора олиши, яъни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян хатти-ҳаракатини бажарганлик ёки бажармаганлик учун, эгаллаб турган хизмат вазифасидан фойдаланиб бажариши лозим бўлган ёки қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни бажарганлик ёки бажармаганлик учун пора олиши –

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўп миқдорда, такроран, товламачилик йўли билан пора олиш ёки бир гуруҳ мансабдор шахсларнинг олдиндан тил бириктириб туриб пора олиши –

мол-мулкини мусодара қилиб саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жуда кўп миқдорда пора олиш ёки масъул вазифани эгаллаб турган мансабдор шахс ёхуд илгари порахўрлик учун судланган шахс томонидан ёҳуд уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб иш қилганлик ёки иш қилмаганлик учун жуда кўп миқдорда пора олиш –

мол-мулкини мусодара қилиб ўн икки йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**153-модда. Пора бериш**

Мансабдор шахсга пора бериш –

уч йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўп миқдорда, такроран ёки атайин пора берувчи учун бир гуруҳ мансабдор шахсларга пора бериш –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Илгари порахўрлик учун судланган шахс томонидан ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жуда ҳам кўп миқдорда пора бериш –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Изоҳ.** Башарти шахс товламачилик билан пора беришга кўндирилган бўлса ёки бу шахс пора бергандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан келиб айтса, у ҳолда бундай шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади.

**154-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш**

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш –

тўрт йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Такроран, кўп миқдорда ёки жуда ҳам кўп миқдорда пора олиш-беришда ёхуд атайин айбдор учун бир гуруҳ мансабдор шахсдан пора олишда содир этилган шундай хатти-ҳаракатлар –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ғаразли мақсадда пора олиш-беришда воситачилик қилиш ёки илгари порахўрлик учун судланган шахс томонидан воситачилик қилиш, шунингдек масъул вазифани эгаллаб турган мансабдор шахс томонидан воситачилик қилиш, ёхуд уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб воситачилик қилиш –

мол-мулкини мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

22. Кодекс қуйидаги мазмундаги $154^1$-модда билан тўлдирилсин:

**"$154^1$-модда. Хизматчини пора эвазига ўзига оғдириб олиш**

Давлат, кооператив, хусусий ёки ўзга йўсиндаги муассаса, корхона, ташкилотнинг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисига уни пора эвазига ўзига оғдириб олган шахс манфаатларини кўзлаб туриб ўз хизмат мавқеидан фойдаланганлиги учун ғайриқонуний тарзда моддий мукофот ёки имтиёзлар бериш ёҳуд хизматлар кўрсатиш –

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Такроран ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган шундай ҳатти-ҳаракатлар –

уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Давлат, кооператив, хусусий ёки ўзга йўсиндаги муассаса, корхона, ташкилотнинг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг уни пора эвазига ўзига оғдириб олган шахс манфаатларини, кўзлаб туриб ўз хизмат мавқеидан фойдаланганлиги учун ғайриқонуний тарзда моддий мукофот, имтиёзлар олиши ёҳуд унга хизматлар кўрсатилиши –

беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб туриб ёҳуд жуда ҳам кўп миқдордаги мукофот эвазига содир этилган худди шундай хатти-ҳаракатлар –

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай олти йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Изоҳ.** Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар, башарти пора эвазига ўзига оғдириб олган шахсга нисбатан товламачилик содир бўлган бўлса, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди".

23. 155-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Бир неча марта ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган шундай хатти-ҳаракатлар –

икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

24. $157^1$-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**"$157^1$-модда. Суд ишларини ҳал этишга аралашув**

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла-тўкис ва холисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёхуд қонунга хилоф суд ҳукми чиқарилишига эришиш мақсадида судьялар ёки халқ маслаҳатчиларига қанақа шаклда бўлса ҳам таъсир кўрсатиш –

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланди".

25. $157^2$-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**"$157^2$-модда. Судья ёки халқ маслаҳатчисини қўрқитиш**

Судья ёки халқ маслаҳатчисини одил судловни амалга ошириши муносабати билан судьяга ёки халқ маслаҳатчисига, шунингдек уларнинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш, тан жароҳати етказиш, мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар қилиш билан қўрқитиш –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма хиссасигача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб этилганда –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

26. Кодекс қуйидаги мазмундаги $157^3$, $157^4$, $157^5$, $157^6$,-моддалар билан тўлдирилсин.

**"$157^3$-модда. Судьяга ёки халқ маслаҳатчисига тан жароҳати етказиш**

Судьяга ёки халқ маслаҳатчисига, уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолияти муносабати билан енгил тан жароҳати етказиш –

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки ҳиссасигача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Судьяга ёки халқ маслаҳатчисига уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича вазифаларини бажариши муносабати билан енгилроқ ёки оғир тан жароҳати етказиш –

уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёхуд олдиндан тил бириктириб туриб бир гуруҳ шахслар ёки алоҳида хавфли рецидивист томонидан ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда –

етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**$157^4$-модда. Судьянинг ёки халқ маслаҳатчисининг ҳаётига тажовуз қилиш**

Судья ёки халқ маслаҳатчиси ҳаётига, уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича вазифаларини бажариши муносабати билан тажовуз қилиш, шунингдек ўша важлар билан уларнинг яқин қариндошлари ҳаётига тажовуз қилиш –

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёхуд олдиндан тил бириктириб туриб бир гуруҳ шахслар ёки алоҳида хавфли рецидивист томонидан ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда –

ўн йилдан ўн беш йилга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

**$157^5$-модда. Судьяни ёки халқ маслаҳатчисини қасддан ўлдириш**

Судьяни ёки халқ маслаҳатчисини уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича вазифаларини бажариши муносабати билан қасддан ўлдириш, шунингдек ўша важлар билан уларнинг яқин қариндошларини ўлдириш –

ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

**$157^6$-модда. Судьянинг ёки халқ маслаҳатчисининг мулкига қасддан зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш**

Судья ёки халқ маслаҳатчиси одил судловни амалга ошириш бўйича вазифаларини бажариши муносабати билан судьянинг ёки халқ маслаҳатчисининг ёхуд уларнинг яқин қариндошларининг мулкига қасддан зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар умумий хавфли йўсинда содир этилганда ёки одам ўлишига сабаб бўлган ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда –

саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

27. $157^3$ ва $157^4$ – моддалар мувофиқ равишда $157^7$ ва $157^8$ – модда деб ҳисоблансин.

28. 163-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"163-модда. Пора эвазига ўзига оғдириб олиш ёки ёлғон гувоҳлик беришга мажбур этиш**

Гувоҳни ёки жабрланувчини, экспертни, таржимонни пора эвазига ўзига оғдириб олиш ёки суриштирув, дастлабки тергов вақтида ёхуд ишни судда кўриш пайтида юқорида номи зикр этилган шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш билан қўрқитиш, зўрлик қилиш, мол-мулкини йўқ қилиш ёки шикастлаш йўли билан гувоҳни ёки жабрланувчини ёлғон кўрсатмалар беришга, экспертни ёлғон хулоса беришга, таржимонни нотўғри таржима қилишга мажбур этиш –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

**(Давоми 4, 5, 6-бетларда).**

